INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 21 август, 173 (3001) Чоршанба


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида

***Пахта экадиган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорларда барқарор харидоргир юқори сифатли рақобатбардош пахта етиштиришни кўпайтиришдан иқтисодий рағбатлантирилишини кучайтириш, нарх белгилашнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:***

1. Пахта хомашёсига ички харид нархлари ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозорида шаклланаётган пахта нархи конъюнктурасига мувофиқ белгиланиш тартиби ўрнатилсин. Пахта хомашёси нархини шакллантиришда уни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, шунингдек уни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш харажатларининг қопланишини ҳисобга олиш зарур.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили янги ҳосил пахтасига нарх белгилашда, шартнома ва контракт мажбуриятларини имзолашда мазкур Фармоннинг биринчи бандида белгиланган пахта хомашёсига харид нархлар ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш механизмига қатъий амал қилсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси икки ҳафта муддатда пахта хомашёсига харид нархларни ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 август.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
***ҚАРОРИ***

## Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***"Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

(Давоми 2-бетда).




«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

## Мақсад — ички бозорни ҳимоялаш



Кеча пойтахтимизга республикамизнинг Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон сингари ўнга яқин вилоятидан қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ортилган машиналар карвони кириб келди. Улар 11 та йирик бозор ва аҳоли гавжум мавзелардаги махсус майдонларга келиб тўхташди. Бундан кўзланган мақсад халқимизни ўз корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол моллари билан яқиндан таништиришдир.

Шу йилнинг 20 августидан 10 сентябрига қадар давом этадиган ушбу сайёр савдо ярмаркаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 августдаги фармойишига биноан ташкил этилган бўлиб, "Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар савдо департаменти томонидан уюштирилди.

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" шиори остида ўтказилаётган ушбу ярмаркада "Озиқовқасаноат", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзбекқоғозсаноат", "Ўзбек ипаги" сингари бир неча уюшма ва компанияларга қарашли корхоналарда тайёрланган оддий яхна ичимликлар, китоб, дафтар ва пойабзал буюмлари, ял-ял ёниб турувчи шойи, атлас, адраслар ҳамда сирдарёлик ва жиззахлик миришкорлар етиштирган қовун-тарвузлар бор.

Эски жува бозорининг "Ибн сино" шохобчасидамиз. Бу ер одамлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Расталардаги маҳсулотларни кўриб кўзингиз қувонади.

*СУРАТЛАРДА: савдо ярмаркасидан лавҳалар.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Олий Мажлиснинг IX сессияси олдидан

## Уруғчилик иши изга тушмоқда

*Олий Мажлиснинг яқинда иш бошлайдиган сессияси кун тартибига «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамага қўйилган. Амалдаги қонун мамлакатимиз парламенти томонидан бундан олти йил муқаддам қабул қилинган эди. Хўш, унинг янги таҳрирда тайёрланиб, сессия кун тартибига киритилишининг сабаби нимада, у амалдагисидан қайси томонлари билан фарқ қилади? Биз ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида ва икки сессия орасида қилинган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни сўраб Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Искандар ҚАЛАНДАРОВга мурожаат қилдик.*



— Қўмита сессиядан кейинги даврда қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни шу куннинг талаблари ҳамда халқаро нормаларга мослаштириш, мазкур ҳужжатларнинг самарали қўлланилиши борасида муайян ишларни амалга оширди, — деди қўмита раиси. — Масалан, 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири устида маълум ишлар қилинди. Мазкур қонун мутахассислар томонидан ўрганилганда, амалдаги қонун қабул қилингандан сўнг Фуқаролик Кодекси қабул қилинганлиги боис унга қўшимча ва ўзгартишлар зарурати туғилганлиги маълум бўлди. Ўзбекистоннинг селекция ютуқларини ҳимоя қилиш халқаро конвенцияга қўшилиши, ундаги талаб ва таклифларга қонун моддаларини мослаштириш, селекция ютуқларини рўйхатга олиш тартибларини соддалаштириш ва муддатларни халқаро нормаларга мос келтириш лозимлиги ҳисобга олиниб, янги таҳрирда қонун лойиҳаси яратилди. Энди селекция ютуқларига эгалик қилиш, уни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари,

(Давоми 2-бетда).

Ўқинг!

***НУЖдан қутилишнинг иложи борми?***

3-бет

Огоҳлик

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик айёмига саноқли кунлар қолмоқда. Бу йил халқимиз ўн биринчи бор ана шу шонли санани кенг нишонлаётир.*

*Биз бундан ўн бир йил аввал - мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.*

*Истиқлол шарофати туфайли зулм-зўравонликдан, қарамликдан халос бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришди. Шоирлар лутф қилганидек, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.*

## БАСИР КЎЗЛАР ОЧИЛГАНИДА

Айни чоғда, одамнинг оласи ичида, деганларидек, таассуфлар бўлсинки, орамиздан бу ёруғ ва дориломон кунларнинг қадрига етмаганлар ҳам чиққани сир эмас. Булар - мустақилликдек буюк неъматнинг мазмун-моҳиятини теран англамаган, юрт иқболи, эл бахтидан қувониш ўрнига, аксинча, ислом динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонимизни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, орқага қайтаришга уринаётган тажовузкор, ақидапараст ташқи ёвуз кучлар сафига қўшилиб, террорчиликка қўл урган, Ватанга қарши жиноят йўлига кирган кимсалардир.

Бундай кимсалар кирган кўчанинг боши берк, истиқболсиз, аянчли экани тобора исботини топаётир ва улар ўз манфур қилмишлари учун, албатта, Ватан, халқ ва қонун олдида жавоб берадилар. Ватанга, халққа қарши қилинган жиноят, хоинлик - кечириб бўлмас гуноҳдир.

Шу билан бирга, ақидапараст ёвуз кучларнинг қутқусига учраб йўлдан адашган, ғўр, дунёқараши ҳали аниқ шаклланмаган ёшлар ҳам борки, улар танлаган йўллари хатолигини ўз вақтида тан олса, адашганлари учун ҳуқуқ-тартибот органлари ҳузурига келиб, виждонан кечирим сўраса ва бу хавфли йўлдан қайтганлигини самимий эътироф этса, Президентимиз бундай ёшларни кечириши, ҳаётга тўғри йўл топиб олишларига имкон берилишини айтгандилар.

Йўлбошчимизнинг бундай оталарча муруввати, олижаноблиги замирида халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик ҳиммати билан бир қаторда, Ислом Каримов шахсиятидаги инсонпарварлик, юксак инсоний салоҳият, сиёсий донишмандлик фазилатлари ҳам ўз мужассамини топган.

Ўтган давр мобайнида ўнлаб чалғиган ёшлар ана шу инсоний огоҳлантиришдан ўз вақтида фойдаланиб, тавба-тазарру йўлини тутдилар. Ҳа, алломалар айтмоқчи, тўғри йўлга қадам қўйишнинг биринчи шарти - айбга иқрор бўлиш, самимий тазарру қилишдир. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Яқинда ўз туғилган юртига, Хива шаҳрига яна бир оила аъзолари қайтиб келди.

13 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига пушаймонлик аризаси билан ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атовчи террорчилар тўдасининг Афғонистондаги антитеррор амалиёти пайтида ўлдирилган аъзоси Комил Алимовнинг оила аъзолари мурожаат қилди. Унинг хотини Дилором Отажонова ҳамда тўнғич ўғли Ҳусин Алимовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ёпилди.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

## ЁШ АВЛОД КЕНГАШИ

Бугунги кунда дунёда ёшлар ўртасида демократик ғояларни тарғиб этиш, уларга билим бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда эса бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил май ойида болаларга бағишланган махсус сессиясида бу борада олиб борилиши лозим бўлган фаолият йўналишлари ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси шу асосда махсус дастур қабул қилди. Ҳужжатга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўқувчилар ўртасида махсус танлов ўтказилиб, ғолиблардан "Ёш авлод кенгаши" тузилди. Дастурда парламентаризм, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари, соғлом турмуш тарзи тушунчаларини тарғиб қилиш, ўзаро мулоқот, нотиқлик маҳоратини ўргатиш билан боғлиқ масалалар асосий ўрин тутади.

Тошкентда мазкур кенгашнинг биринчи сессияси бошланди.

— Кенгаш "Бола ҳуқуқлари конвенцияси" ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ

(Давоми 2-бетда).

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида гўдакларни она сути билан озиқлантириш масаласига бағишланган анжуман бошланди.*

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Икки кун давом этувчи мазкур тадбирда вилоятлардан келган соҳа мутахассислари, МДҲ мамлакатлари ҳамда қатор халқаро муассасалар, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари иштирок этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 1981 йилги ассамблеясида Кўкрак сутига муқобил маҳсулотлар маркетинги бўйича халқаро кодексни амалга киритишни назарда

(Давоми 2-бетда).

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

*Жиззах шаҳрида Халқ таълими вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг қўшма ҳайъат йиғилиши бўлди. Унда Жиззах вилоят халқ таълими бошқаруви идоралари ҳамда маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотларининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашдаги ҳамкорлиги муҳокама этилди.*

Мажлисни халқ таълими вазири Р.Жўраев бошқарди.

Таъкидланганидек, вазирлик ва вилоят ҳокимлигининг ўзаро ҳамкорлигида таълимни ривожлантириш ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижро этилишида кенг жамоатчилик фаол иштирок этмоқда. Дастурга биноан "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларининг чуқур ўрганилиши учун ҳар бир шаҳар, туманда биттадан таянч мактаби ташкил этилди.

Айни вақтда мактабларнинг кутубхона заҳирасини бойитишга алоҳида эътибор беріляпти. Бу борада ҳомий ташкилотларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Улар томонидан 2002 йил биринчи ярмида 4,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳомийлар маблағига сотиб олинган 2 миллион 975 минг сўмлик дарслик кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул тарқатилди. Шунингдек, таълим муассасаларига 25 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари етказиб берилди. 18 та мактаб ва 1 та боғчага тоза ичимлик суви, 6 та мактаб ва 2 та болалар боғчасини иситиш учун табиий газ келтирилди.

Йиғилишда бундай самарали ҳамкорликни янги ўқув йилида ҳам мунтазам давом эттириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қўшма ҳайъат йиғилишида Жиззах вилоят ҳокими У.Янманқулов қатнашди.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА БЎЛАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дханапала 20 август куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида БМТ Бош котиби ўринбосарининг ташрифи Марказий Осиёда жуда муҳим жараёнлар кечаётган бир пайтга тўғри келгани алоҳида таъкидланди. Минтақа давлатларида кенг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган, Афғонистондаги вазият секин-аста барқарорлашиб бораётган ҳозирги кунда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратилиши минтақадаги барқарорликни, қўшни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишончни кучайтириш ва иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантиришга қаратилган шартномани ишлаб чиқиш ишлари якуний босқичга кирган айтиб ўтилди. Томонлар экспертларнинг мазкур шартномага бағишланган якуний учрашувини ўтказиш борасида фикрлашиб олди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Мазкур мамлакатни тиклашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотлар билан бирга, қуролсизланиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлиги борасида томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Музокарадан сўнг Ж.Дханапала журналистлар билан суҳбатда, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарали якунланишида муҳим рол ўйнашини алоҳида таъкидлади.


ҚУМГА СИНГАН КОРХОНАЛАР

«Халқ сўзи» назоратида

## «Шарқ гўзали» ускуналар билан бойиди

Наманган вилояти ҳокимлиги "Халқ сўзи"нинг 2002 йил 26 июнь сонида чоп этилган "Қумга синган корхоналар" сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Вилоятда мавжуд тегишли комиссия томонидан қўшма корхоналарнинг фаолияти мунтазам мониторинг қилиниб, истиқболсизларини тугатиш масаласи кўриб борилади. Ўз навбатида вилоят ҳокимлиги томонидан Мингбулоқ туманидаги "Оққум" қўшма корхонасида фойдаланилмай келинаётган ускуналарни аҳоли зич жойлашган Давлатобод туманидаги банкротлик тамойили орқали соғломлаштирилган собиқ "Шарқ гўзали" акциядорлик жамиятига ўрнатиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан чет эллик таъсисчи — Италиянинг "Каррера" компанияси президенти, жаноб Имерио Такелло билан музокаралар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этиш дастурига асосан вилоятда жорий йилда литвалик ҳамкорлар билан пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган "Клайн Текстайл" қўшма корхонаси ташкил этилди. Жорий йил якунига қадар яна 5 та қўшма корхона ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари.**

## «Нам-Кон»ни хорижда ҳам билишади

"Нам-Кон"нинг яқин ойлар ичида Россиядаги Новосибирск шаҳрида ва Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўз савдо уйини очиши кутилмоқда. Косонсой туманида жойлашган ушбу корхона ўзининг сифатли, айни пайтда экологик тоза мева шарбатлари билан барчани лол қолдирмоқда. Шу боис у ҳамкорларни эмас, ҳамкорлар уни қидириб келишаётир.

Айни кунларда АҚШнинг "Прагма"корпорацияси бош мутахассиси Фред Биллербек Косонсойга келиб, мева концентрати ишлаб чиқарувчи янги линияни ўрнатишга киришди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга:

божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда умумий қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотилади;

импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт;

улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчасига эга бўлишлари керак;

истеъмол товарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи-чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

6. Белгилансинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари савдо қилувчи ташкилотлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя этилиши ва истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд савдо тушуми ҳар куни банкларнинг кассаларига тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрлиқларида (этикеткаларида) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаган эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ўздавстандарт" маркази Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларини маркалаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, истеъмол товарлари бозорида рақобат муносабатлари самарали ишлаши, нархлар сунъий равишда оширилишига, ноҳалол рақобатга, энг аввало, товарларнинг тайёрланиш жойи, истеъмол хусусиятлари ва сифати юзасидан истеъмолчилар чалғитилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импортини тариф билан ва нотариф бошқариш тизимини жорий этишни;

импорт истеъмол товарлари тендер асосида олиб келинишини назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан республикага технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозиқ-овқат товарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори билан белгиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари импорти учун йиғимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар қаторига киритишни аниқ чекловчи қоидани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини яратсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 август.

# Уруғчилик иши изга тушмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

патент олиш тартиблари халқаро меъёрлар даражасига келтирилди. Жумладан, илгари селекция ютуғи бўйича патент идораси томонидан патент ёки гувоҳнома берилган бўлса, энди ягона патент бериш йўлга қўйилади.

Шунингдек, қонунда селекция ютуқлари бўйича ягона давлат реестри юритилиши ўрнига чорва насллари бўйича алоҳида, ўсимлик навлари бўйича алоҳида давлат реестрлари юритилиши мўлжалланмоқда. Талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда қонун умуман янги таҳрирда тайёрланишига эришилди.

Қўмита икки сессия оралиғида қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил ишларини ҳам фаол олиб борди. Қўмита аъзолари, мутахассислар, тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари жалб этилган ҳолда, бир неча қонунларнинг ижроси жойларда назорат тариқасида ўрганиб чиқилди ва қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилди. Шунингдек, улар оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилди. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясида «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ўрганилди. Мазкур идораларда бу борада маълум ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли қарор қабул қилинган ва унга мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги уруғчилик соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда ягона назорат қилувчи орган, деб белгиланган. Бу борада дастур ишлаб чиқилган ва уни амалга ошириш бўйича ишчи комиссияси тузилган.

Давлат комиссияси томонидан республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри юритилган ва фақат унга киритилган навларни экиш йўлга қўйилган. Қонуннинг 7-моддаси талаблари ижросини таъминлаш бўйича «Ўздавуруғназоратмаркази» фаолияти такомиллаштирилган ва Низоми қайта кўриб чиқилиб, ҳукумат қарори билан тасдиқланган. Пахта уруғчилигидаги долзарб муаммоларни ечиш, дунё стандартлари даражасида уруғлик чигит тайёрлашни ташкил этиш мақсадида ҳукумат қарори билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида юридик мақомга эга бўлган пахта уруғчилиги бошқармаси тузилди. Натижада кейинги йилларда уруғлик сифати бирмунча яхшиланди. Унинг сарфи нисбатан камайди. Сифатли уруғлик тайёрлаш мақсадида ушбу масала билан шуғулланадиган хўжаликларни тендер асосида танлаб олиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга бу борада моддий манфаатдорлик механизмлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Натижада айни пайтда янги ғўза навлари яратиш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда.

Дон уруғчилиги бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этиш лозим. Вилоятларда аста-секин тупроқ, сув ва иқлим шароитларига мос навлар етиштирадиган алоҳида уруғчилик хўжаликлари ва корхоналар вужудга келди. «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг корхоналари замон талабларига жавоб берадиган уруғ тайёрлайдиган, саралайдиган ва дорилайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шоли уруғчилиги бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин шу билан бирга комиссия томонидан қонунга кўп ҳолларда амал қилинмаётганлиги ҳоллари ҳам аниқланди. Бу «Ўзсабзавотнавуруғлари» уюшмаси ва «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси ва уларнинг айрим вилоят ташкилотларида содир этилмоқда.

Айниқса, сабзавот уруғларини етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, хоҳлаган давлатлардан тегишли рухсатномаларсиз кўплаб уруғлар олиб келинаётганлиги, натижада соҳада жиддий хатоликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди ва бу борада тегишли назорат ўрнатилди. Шу билан бирга тегишли мутасадди идораларга халқаро меъёрлар асосида иш юритиш, мазкур вазифа билан шуғулланувчи илмий институтлар фаолиятини таҳлил қилиш, уларни мутахассислар билан таъминлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, республикамизда етиштирилаётган уруғлар экспорти бўйича тегишли таклиф ва хулосалар ўрганиб чиқилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш жараёнида бир неча масалаларга алоҳида эътиборни қаратди. Аввало вилоятнинг чорва наслчилигида салмоқли ҳиссаси борлиги, Тошкент шаҳрини сифатли ва етарли миқдорда гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Вилоятда паррандачиликда янги наслларни яратишда, шунингдек, балиқчиликда ҳам ижобий ишлар амалга оширилган. Лекин шу билан бирга қонун ижросида катта хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Қонунда қимматли зотли моллар генофондини сақлаб қолиш чоралари кўрилган, лекин уларни четга сотиш, асоссиз чиқим қилиш тақиқланган бўлса ҳам, бундай ҳоллар ҳамон давом этаётганлиги маълум бўлди. Наслли моллар маҳсулдорлиги ошмаётганлиги, уларга етарли миқдорда озуқа берилмаётганлиги ҳоллари кўрсатиб ўтилди. Озуқа учун ажратилган ерлардан ўта самарасиз фойдаланилаётганлиги таъкидланди.

Бундай ишлар нафақат қорамол наслчилигида, шунингдек, майда шохли молларда ҳам давом этмоқда. Шу билан бирга асаларичилик соҳасида катта имкониятлар мавжуд. Лекин улардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Юқорида қайд қилинган масалалар муҳокама этилган йиғилиш қарорида мутасадди давлат назорат органлари иш фаолиятларини кучайтириши масаласи кескин қўйилди. Уларга бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш вазифаси юклатилди.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда январь ойида кўриб чиқилди. Масалага чуқур ёндашиш учун Олий Мажлис депутатлари ишчи гуруҳидан ташқари вилоят кенгаши депутатлари ва кенг жамоатчилик жалб этилди. Бу ерда ижобий ишлар билан биргаликда корхоналар, савдо шохобчалари ва айниқса, деҳқон бозорларида қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги ҳоллари маълум бўлди.

Камчиликлар вилоят фаоллари, мутасадди раҳбарлар иштирокида атрофлича муҳокама этилганидан кейин қўмита йиғилиши кун тартибига киритилди. Қабул қилинган қарорда барча вилоят ҳокимларидан қонун ижроси бўйича доимий назорат ўрнатиш сўралди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ҳосил КАРИМОВ**
**ёзиб олди.**

# Кунига юз тонна ун

«Андижонун» — Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг қуриб битказилиши ун сифатининг яхшиланишигагина эмас, балки унинг тўйимлилигини оширишга ҳам хизмат қилади. Андижон туманининг Ҳрабек қишлоғида қад ростлаган ва энг илғор технологик жиҳозлар ўрнатилган корхона қишлоқ ёшларидан 150 нафарини ўз бағрига олди. У бир кеча-кундузда 100 тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқаради.

Корхонанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам жадал олиб борилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

тутувчи резолюция қабул қилинган. Унга кўра, гўдакларга мўлжалланган сунъий озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолияти ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати, рекламаси назорат остига олиниши керак. Негаки, гўдакларни она сутидан маҳрум қилиш, сунъий йўл билан озиқлантиришда йўл қўйилган хатолар ва бу озиқлар сифатининг пастлиги кўп ҳолларда гўдакларнинг нобуд бўлишига олиб келиши аниқланган. Ўша пайтдан буён эмизикли гўдакларни она сути билан озиқлантириш тарғиботи халқаро ҳужжатлар ёрдамида қўллаб-қувватлана бошланди. Гўдаклар учун сунъий озиқ-овқат харид қилиш учун йилига 8 миллиард АҚШ долларидан ошувчи маблағ сарфланишини ҳисобга олсак, мазкур соҳа бу қалар жиддий муҳокама қилинаётганининг асл сабаби аён бўлади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан гўдакларни она сути билан озиқлантириш масаласи БМТ ва унинг ташкилотлари томонидан жиддий муҳокама қилина бошлади. 1992-1995 йиллар давомида ўтказилган қатор халқаро учрашув ва конференциялар давомида Халқаро кодексни дунё мамлакатларининг миллий қонунчилигига киритиш, шу орқали оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида яхши натижаларга эришилди. Ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда эмизикли гўдакларга мўлжалланган сунъий озиқ-овқатлар рекламаси умуман таъқиқланган ёки жуда чекланган ва қаттиқ назорат қилинади.

Тошкентдаги анжуманда гўдакларга мўлжалланган сунъий озиқларнинг тарқатилиши борасидаги халқаро қоидалар мажмуи, бу қоидаларнинг мамлакатимизда амал қилиши, гўдакларни она сути билан озиқлантиришнинг ҳамда мазкур соҳанинг оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишдаги аҳамияти борасида фикр алмашилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни янада яхшилаш, бу соҳага дахлдор муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

**(ЎзА).**



# Байрам туфҳаси

Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида жойлашган педагогика-ижтимоий коллежини янги ўқув йилида ишга туширишириш мўлжалланмоқда. Айни чоғда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда ва 1 миллиард 600 миллион сўмлик иш бажарилди.

Шу кунларда коллеж қурилиши икки сменада бажарилмоқда.

Кўплаб замонавий қулайликларга эга бўладиган бу ўқув даргоҳида келгусида олти хил йўналиш бўйича 600 нафар йигит-қиз таҳсил олади.

***СУРАТДА:** коллеж директори Худойберди Жумаев, ўқитувчи Убайдулло Қурбонов ва қурилиш трести бошлиғи муовини Баҳодир Эшмуродов қурилиш лойиҳасини кўздан кечиришмоқда.*

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ЁШ АВЛОД КЕНГАШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

этиш, ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқиш, уларни сиёсий, ғоявий ва ижодий соҳада баркамол инсон бўлиб етишишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди, — деди Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова ЎзА мухбирига. — У ўз фаолиятини давлатимиз Конституцияси, амалдаги қонунлар ва низом асосида олиб боради.

"Ёш авлод кенгаши" аъзолари депутат деб аталади. Депутатликка 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида аъло баҳоларга ўқийдиган, қобилиятли, жамоатчи, иқтидорли ўқувчилар танлаб олинди. Улар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция моддаларини ёзма равишда шарҳлаб бериш асосида синовдан ўтказилди. Янги иш бошлаган кенгаш 219 нафар депутатдан иборат бўлиб, унинг сессиялари бир йилда икки маротаба ўқувчилар таътили даврида ўтказилади.

Ёш депутатлар тўрт кун давомида давлатимиз Конституцияси, жамиятнинг деморактия асослари, инсон ҳуқуқлари борасидаги билимини оширади. Олий Мажлис депутатлари, турли муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилади.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳар йили кўкаламзорлаштириш ойлигида минглаб дарахт кўчатлари экилади. Саратон шаштга минган пайтда эса унинг қанчаси ривож олади, қанчаси... нобуд бўлади. Бугунги кунда Пахтаобод туманида ҳар бир ниҳолларнинг ўз эгаси бор. Туман ҳокимлигининг ташаббуси

## Ҳар бир дарахтнинг эгаси бор

билан суяги меҳнатда қотган, айни пайтда кексалик гаштини сураётган отахонларга барча дарахт ниҳоллари бириктириб берилди.

— Дарахтларнинг ривожидан кўнглимиз тоғдек кўтарилялти, — дейди меҳнат фахрийси О. Турғунов. — Йўл четидаги дарахтлар остига гуллар, райҳонлар экдим. Бундан нафақат ўзимнинг, балки туманимиз меҳнат аҳлининг ҳам баҳри-дили очилади.

Отахонлар Пахтаободни янада гўзал масканга айлантиришга бел боғлашган.

# БАСИР КЎЗЛАР ОЧИЛГАНИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

К.Алимов оиласи Афғонистонда террорчиларга қарши бошланган ҳаракатлардан қочиб, Покистонга ўтган эди. У ерда Ватанга қайтиш истаклари борлигини айтиб, Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилди. Элчихона ходимлари кўмагида азоб-уқубатлардан зада бўлган Д.Отажонова ва ўғиллари Ҳусин, Алимбой, Жавлонбек ҳамда беш яшар қизчаси Сожида 10 август куни ўзлари туғилиб ўсган кўҳна Хива тупроғини, соғинчдан эзилган қон-қариндошларини кўришга муяссар бўлдилар.

Рўзғор эгасининг ғоявий адашиши оқибатида бу оила бошига тушган уқубатли кунлар, ғурбатдаги дарбадарликлар, чексиз азоб ва машаққатлар аччиқ, аммо ибратли бир қисса бўлгулик.

1999 йилнинг бошида оила бошлиғи — К.Алимов экстремистик ғояларга ишониб, каллакесар жангарилар тўдасига қўшилиш учун оиласи билан Тожикистоннинг Тавилдара туманига чиқиб кетган эди. Апрель ойида унга катта ўғли Ҳусин ҳам қўшилди. Оила жангарилар лагерида яшай бошлади. Комил ва Ҳусинга араб, тожик ва чечен инструкторлари томонидан қўпорувчилик ҳаракатлари ўргатилди.

Таъкидлаш керакки, Ҳусинга лагерь ёқмади, бироқ отасининг тазйиқи остида ўсмир шу ерда қолишга мажбур бўлди. Ҳусиннинг гапларига кўра, мазкур лагерда тайёргарликдан ўтган жангариларнинг асосий қисми 1999 йилнинг июль ойида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган Боткен воқеаларида иштирок этган.

Шуниси ҳам маълумки, Хоразмдан келганлар ушбу хатти-ҳаракатларга жалб қилинмаган. Бунга 1999 йилнинг май ойида террорчилар гуруҳи бошлиқлари томонидан Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган 17 нафар кишининг отиб ўлдирилиши сабаб бўлди. Чунки уларнинг аксарияти Ўзбекистон Президентининг авф этиш тўғрисидаги қароридан сўнг уйига қайтмоқчи бўлган хоразмликлар эди.

Бу хунрезлик тўда ичида уруғ-аймоқчиликка асосланган зиддиятлар кескин кучайишига, босқинчилар ўртасида ишончсизлик ортишига олиб келди. Боткен воқеаси арафасида гуруҳ раҳбарлари кўрсатмаси бўйича барча хоразмликлар Тавилдара ҳудудидаги ғорлардан бирига қамаб қўйилиб, жангарилар томонидан таҳқирлаш, хўрлаш ва қийноқларга дучор этилди. Бундай ҳаракатлар, табиийки, уларнинг Ватанга қайтиш истагини сўндиришга, шунингдек, мўлжалланаётган жанговар ҳаракатлар тўғрисида маълумотларни сир сақлашга қаратилган эди.

Дунё ҳамжамияти таъсирининг натижаси ўлароқ, 2000 йилнинг май ойида жангарилар тўдасининг бир қисми, жумладан К.Алимов оиласи ҳам Тожикистондан чиқариб юборилди. Бу ердан улар Афғонистоннинг Кундуз вилоятига йўл олди.

Афғонистонда эса К.Алимов оиласини бўлиб юборишди. Ҳусин ва унинг укалари Қобулга мадрасада ўқиш учун жўнатилди. Оиланинг қолган аъзолари Мозори Шарифда жойлашди. 2000 йилнинг охирида уларнинг катта қизи - Малоҳат Алимова наманганлик жангарига турмушга узатилди ва кейинчалик эри Малоҳатнинг оиласи билан юртига қайтишига қаршилик қилди.

Ҳусиннинг гапларига қараганда, Афғонистондаги антитеррор амалиётларидан сўнг тирик қолган жангариларнинг аксарияти ўз хатти-ҳаракатлари хато, хомхаёл ва боши берк йўл эканини тушуниб етган ва тинч ҳаётга қайтиш ниятида. Бироқ, Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган ҳар бир жангари тўданинг "идеология бўлими" деб аталмиш гуруҳи жангарилари томонидан руҳий ва жисмоний тазйиқларга дучор бўлмоқда.

Ушбу бўлимни "Зубайр Ибн Абдураҳмон" лақабини олган М.Исмоилов бошқаради. Масалан, бўлим вакиллари Ҳусин Ўзбекистонга қайтадиган бўлса, тезда қўлга олиниши ва шафқатсиз қийноқларга дучор этилиши ҳақида обдон қулоғига қуйишган.

Бундан ташқари, "идеология бўлими" фаолияти ҳақида гапирар экан, Ҳусин бу гуруҳ Ўзбекистондан келаётган ахборотларни сохталаштириш ва бузиб кўрсатиш билан шуғулланишини таъкидлади. Масалан, вазни 150 килограмм бўлган ва гўёки Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қўлига тушгач 120 килограммга "озган" ва вафот этган жангарининг "сурати" тайёрлаб тарқатилган. Кейинчалик Ҳусин бу жангари Эронда соғ-омон юрганини билиб олди.

Ҳозирги вақтда мужоҳидларнинг жанговар руҳидан асар ҳам қолмаган. Улар фаол ҳаракатга қодир эмас. Эндиликда "эътиқод йўлида шаҳид кетиш" идеологияси кўпчиликка таҳқирлаш бўлиб туюлмоқда. Аксарият жангарилар кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётганликларини тушуниб етяпти. Лагерда авж олган чақма-чақарлик барчанинг юрагини олиб қўйган, ҳеч ким кўнглидагини очиқ айтмайди, гап-сўзсиз қамаб қўйишларидан қўрқади.

Бироқ, деярли, барча Ватанга қайтиш ниятида. Оналари қочиб кетмаслиги учун болаларни мажбурлаб мадрасага беришади. Аёллар ижтимоий ҳаётда умуман иштирок этмайди. Уларнинг асосий вазифаси — бола туғиш ва тарбиялаш, овқат пиширишдан иборат. Аёллар паранжида юришга мажбур. Болалар ўлими жуда юқори.

Айни пайтда ўзларини мусулмонпарвар кўрсатувчи бу жиноятчилар гуруҳи бошлиқлари тўқлик, тўкин-сочинликдан сармаст. Улар Афғонистон ва Покистондаги ҳашаматли уйларда яшайди, қўшақўша хотинлари бор, шахсий ҳайдовчилар уларни энг сўнгги русумдаги машиналарда олиб юради.

Бу дабдабаю ҳашамат наркобизнес ва қурол-яроғ савдосидан тушган пул ҳамда турли экстремист ташкилотлар томонидан жангариларни таъминлаш учун ажратилаётган маблағлар ҳисобидан экани маълум. Улар шариат қоидаларига амал қилмайди. Ҳусиннинг айтишича, жангарилар бесоқолбозлик ва хотинбозлик билан шуғулланади, порнофильмлар кўриб, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилади.

Ҳусин Ўзбекистонга қайтгач, собиқ жангари, илгарироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ўз ихтиёри билан келган хивалик Отабек Қозоқов билан учрашди.

Отабек ҳозирги вақтда Хоразм вилояти ҳудудида илгари алдов йўли билан экстремистик фаолиятга жалб қилинган, лекин вақтида бу йўлдан қайтган ва давлат томонидан амнистия қилинган 20 киши истиқомат қилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Айни пайтда бу адашган кишилар тинч ва хотиржам ҳаёт кечирмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилаётгани йўқ.

Умуман, бугунги кунгача ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атовчи ноқонуний қуролланган тўданинг 101 нафар собиқ аъзоси мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ўз айбига иқрор бўлиб келган. Уларнинг барчаси ҳозир ўз оилалари бағрида яшаяпти ва тинч меҳнат билан машғул.

Донишлар айтганидек, тавба қилиш яхши-ю, лекин ўзни ёвузликдан асраш ундан ҳам яхшидир.

Бугун адашган бир кимсанинг изидан юртма-юрт, тоғма-тоғ улоқиб юрган бутун бошли оила қайтадан Ватан остонасига қадам қўйди, юрт тупроғини ўпди, авф сўраб, кўзи кеч очилганини тан олди.

Басир кўзлар очилса, аввало, оқ-қорани танийди, яхши-ёмонни ажратади, дўст билан душманни фарқлайди.

Энди аянчли қисмат кўчасидан ҳаётнинг кенг, ёруғ йўлларига тушиб олиш, ўзларига кўрсатилган инсонийлик ва бағрикенгликни чуқур англаш бу оиланинг аъзоларидан ҳар бирининг олдида турган ҳаёт-мамот масаласидир. Агар уларнинг тавба-тазарру ва таассуфлари самимий бўлса, халқимиз билан ёнма-ён, елкама-елка мустақил тараққиёт йўлида шаҳдам одимлаш, Истиқлолимизнинг ҳаётбахш ҳаволарида ҳамнафас бўлиш бахти уларга ҳам насиб этгай.

**Мирзо ОДИЛОВ**
**(ЎзА).**

